

## ПЕДАГОГИК КОНФЛИКТЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШНИНГ ПСИХОЛОГИК МЕТОДЛАРИ

Умарова Зухра Абдурахмановна, педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), ЧДПУ  
E-mail: [zuxra.umarova@cspi.uz](mailto:zuxra.umarova@cspi.uz)

Назиржонова Мухлиса, ЧДПУ талабаси

**Аннотация:** мақолада педагогик конфликтларни бартараф этишнинг психологик методлари таҳлил этилган.

**Аннотация:** в статье анализировано о психологические методы преоделения педагогических конфликтов.

**Annotation:**

**Калит сўзлар:** педагогика, психология, конфликт, ўқувчи, характер, шакл, таҳлил.

**Ключевые слова:** педагогика, психология, конфликт, ученик, характер, форма, анализ.

**Key words:** pedagogy, psychology, conflict, student, character, form, practice.

Ўзбекистоннинг янги тараққиёт стратегиясида сифатли таълимга эришиш ва унда таълимга оид муаммоларни замонавий ёндашувлар асосида бартараф этиб бориш вазифалари қўйидган [1]. Шу жиҳатдан умумий ўрта таълим мактабларида учрайдиган педагогик конфликтларни аниқлаш, ўз вақтида бартараф этиш ва унда замонавий методларга асосланиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу ўринда эътиборингизни педагогик кокнфликтларни бартараф этишнинг асосий психологик методлари таҳлилига тортамиз.

1. Хис этиш методи. Бу методга кўра, умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиси таълим ва тарбия жараёнида ўқувчиларда учрайдиган педагогик конфликтларни энг аввало интуиция билан сезиши керак. Шунда мавжуд конфликтларнинг келиб чиқиши сабабларини аниқлаш қудай кечади. Мазкур методдан америкалик Карл Роджерс оқилона фойдаланган бўлиб, у хис этиш методини конфликтлар учун ўқувчиларни жазоламаслик мазмунида талқин қиласди [2]. Шу жиҳатдан метод педагогик конфликтларни ҳал этишда мўътадиллик гоясига асосланади ва конфликтлар иштирокчиларининг руҳий ҳолатларини ҳисобга ошида қўл келади.

2. Эмоцияли ёндашув методи. Мазкур метод ҳар бир педагогик конфликтни табиий қабул қилиш ва уни бартараф этишда бағрикенглик билан ёндашишга асосланади. Шу сабабли ўқувчиларнинг педагогик конфликтлардаги иштирокига тушунувчан характерда ёндашилади. Бизнингча, бу методнинг имкониятларидан

фойдаланган ҳолда педагогик конфликтларни бартараф этиш ўқувчиларнинг манфаатларига риоя қилишни келтириб чиқаради. Психологлар мазкур методлар асосида педагогик конфликтлардан зарар кўрганларга руҳий муолажа бериш учун фойдаланишади.

3. Авротетни аниқлаш методи. Ушбу метод педагогик конфликтларга сабаб бўлган ўқувчи шахсини аниқлашга ва у билан индивидуал ишлашга асосланади. Методнинг мазмунига кўра, педагогик конфликт авторитети билан амалга ошириладиган психологик тадбирлар ўзининг амалий аҳамиятга эгалиги билан муҳим ҳисобланади. Ҳақиқатдан ҳам педагогик конфликт сабабчисини аниқлаш уни бартараф этишинн муҳим йўлларидан биридир. Бундан ташқари, ушбу метод воситасида педагогик конфликт сакбабчиси билан бутун ўқув йили давомида индивидуал ишлаш имкониятлари ҳам мавжуд.

4. Тажовузкорликни аниқлаш методи. Бу методда педагогик конфликтларнинг тажовузкорлик қатлами ва унинг сабаблари аниқланади. Агар конфликтлардаги тажовузкорлик қўлами аниқлаб олинса, иштирокчилар билан психологик тадбирлар ўтказиш қулайлашади. Шуни таъкидлаш лозимки, бизнинг ёндашувимизга биноан умумий ўрта таълим мактабларида учрайдиган педагогик конфликтлар негизида тажовузкорлоик қатлами ўткинчим характерда бўлади. Шу сабабли кези билан мазкур методдан ҳам фойдаланиш кутилган самарани беради.

5. Тинглаш методи. Ушбу методга кўра, педагогик конфликтлар иштирокчиларининг ҳар бирининг фикри тингланади ва шунга асосан уларни бартараф этиш йўллари ишлаб чиқилади. Бу методда ҳам педагогик конфликт иштьирокчиларининг хукуқларига риоя қилиш ва уларни руҳий жиҳатдан тушуниш ғояси мавжуд. Шу сабабли психологлар бу методдан тажоқузкор конфликт иштирокчилари билан ишлашда кенг фойдаланишади.

6. Маънавий ёндашиш методи. Мазкур методнинг мазмуни педагогик конфликтларнинг мавънавий асостларини аниқлаш ва уларнинг иштирокчиларини маънавий жиҳатдан тартиба солишга асосланади. Ҳар бир педагогик конфликт муайян маънавий заарга эга бўлади, бироқ уларни бартараф этишда маънавий усулларга таяниш мақсадга мувофиқ бўлади. Шу жиҳатдан мазкур методдан конфликт иштирокчиси бўлаган ўқувчилар билан ишлашда фойдаланиш кутилган самарани беради.

Эътибор берилса, педагогик конфликтларни бартараф этишнинг психологик методлари уларнинг иштирокчиларини руҳий тушуниш ва бағрикенглик ғоясига асосланишга таянади. Шу сабабли бу методлар самарали ҳисобланади.

Шундай қилиб педагогик конфликтларни бартараф этишнинг психолдогик методларини ўрганиш ва улардан фойдаланишнинг йўлларини ишлаб чиқиш долзарб бўлиб турибди.

**Адабиётлар:**

1. Янги Ўзбекистон таракқиёт стратегияси. // [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz).
2. Добрович А.Б. О психологии и психогигиене общения. – Москва, 1987.
3. Зеркин Д.П. Основы конфликтологии. – Ростов-на-Дону, 1998.
4. Смирнова Е.О. Конфликтные дети.- М., 2009.
5. Умарова З.А. Бошланғич синфларда педагогик конфликтларни бартараф этиш. –Т., 2021